ТАРЖИМАЧИЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

М.АҲМЕДОВА

В статье рассмотрены актуальные проблемы перевода через медиум и вопросы воссоздания стиля так называемого тарабарского языка.

The article deals with topical issues through the medium of translation issues and recreates the style of so-called gibberish.

Қиёсий адабиётшунослик назариясида *таржимадан таржима* тушунчаси бор. Тайёр таржималар воситачилигида амалга ошириладиган таржима шу ном билан юритилади. Дионис Дюришин “Қиёсий адабиётшунослик назарияси” китобида [1.125-134;159-172] ва Антон Попович “Бадиий таржима масалалари” ўқув қўлланмасида [2.187] таржиманинг бу турини *иккиламчи*, “иккинчи қўл таржимаси”, компилятив таржима деб юритади. Бу аслият тилини билмайдиган таржимон учун воситачи тил ёки медиум вазифасини бажаради. Буни *таржимадан таржима* деб ҳам аташади. Алоҳида адабиётлараро муштараклик шароитида кўпроқ қўлланиладиган бундай таржима кенг табақаланган ва ёш адабиётлар ўртасида, бирининг иккинчисига нисбатан воситачилик вазифасини бажарадиган ҳолатларда юзага келади. Бу ерда тил эмас, адабий ва бадиий усуллар воситачилик килади. Адабиётлараро алоқанинг ғоят қизиқ ва нозик бу соҳаси адабиётлараро жараённи ва унинг серқирра қонуниятларини ўрганишга кўмаклашади. Бу усулнинг фойдали томони ҳам бор, зарарли томони ҳам. Фойдали томони шундаки, бунда таржимон тўғридан-тўғри аслий матн устида ишлайди. Бевосита таржима жараёнида мутаржимнинг аслият тилини билгувчи, зуллисонайн бўлиши талаб қилинади.

Бу усул азалдан самарали ҳисобланиб келинган ва амалда қўлланилган. Цицерон (м.а. I аср) Эсхин ва Демосфен нутқларини юнон тилидан лотинчага, Симмах (м.а. II аср) Тавротни иврит (иброний) тилидан юнон тилига, Иероним (IV аср) уни лотин тилига, анча кейин, XV асрда, Г.Штейнхефель – Эзоп ва Боккаччони, А. фон Эйб – Плавтни немис тилига, И. дю Беллэ – Овидийни француз тилига бевосита таржима қилдилар.

"Қирол Лир"ни грузин тилига ўгириш учун И.Чавчавадзе инглиз тилини махсус ўрганган. Француз, немис ва инглиз тиллари устаси И.Мачабели 1873 йили "Қирол Лир"ни бевосита Шекспир тилидан таржима қилди.

Ҳозир юқори тараққиёт босқичида турган халқларнинг сўз усталари Шекспир асарларининг восита тиллар орқали таржима қилинишини ўзлари учун эп кўрмайдилар. Шу туфайли доимо буюк адибни бевосита инглиз тилидан таржима қилишга ҳаракат қиладилар. Ҳозир руслар, украинлар, грузинлар, арманлар, Болтиқ бўйиликлар драматург асарларини инглиз тилидан таржима қилиб келмоқдалар. М.Лозинский, Б.Пастернак, С.Маршак Шекспир асарларини тўғридан-тўғри XVII аср инглиз тилидан, С.Н.Иванов Алишер Навоий асрларини XV аср қадимги ўзбек тилидан ўгирганлар.

Бизда йирик асарларни бевосита Ғарбий Европа тилларидан таржима қилиш иши энди тажриба тариқасида қўйилмоқда. Жамол Камол

(Шекспирдан) Янглиш Эгамова, Садриддин Салимов, Пошали Усмон ўғли (Гётедан) ва бошқаларнинг бевосита таржималари бу соҳадаги илк тажрибадир. Бевосита таржима энг муҳим сифат мезони ҳисобланади. Жаҳон адабиётида бунга мисол кўп.

Таржимадан таржиманинг ғализ томони қаерда? Бунда мутаржим аслият тилидан (А тилдан) иккинчи (Б) тилга ўгирилган матн асосида ўзининг (В) тилига ағдаради – таржимадан таржима юзага келади. Натижада аслият тилидан Б тилдаги таржимага ўтган ҳамда унинг ўзида юз берган қусурлар В тилга ўтиши оқибатида таржима сифатсизланаверади.

Одатда, мустамлакачилик шароитида метрополияларнинг тили ва адабиёти ҳам шу вазифани бажаради. Яқин кунларгача ўзбек тилига русча таржималардан ўгириларди. Чўлпон У.Шекспирнинг "Ҳамлет" фожеасини П.Каншин таржимасидан, М.Шайхзода Б.Пастернакнинг русча ва Жаъфар Жабборлининг озарбайжонча таржимасидан ўгирганидек, Э.Воҳидов "Фауст"ни Б.Пастернак, Н.Холодковский ва бошқаларнинг немис тилидан қилинган таржималари, Муҳаммад Али Р.Бёрнс шеъриятини С.Маршак томонидан инглиз тилидан қилинган таржималари асосида ўгиришган. Ян Коморовский "Алпомиш" достонини словак тилига ўгирганида, Лев Пеньковскийнинг русча матни унинг учун аслият вазифасини бажарганлигини айтади. У рус тилидаги таржимага шунчалик ишонганки, уни беқусур ҳисоблаб, асардаги камчиликларни сезмаган, сезган тақдирда ҳам, уларни аслият муаллифлариники деб, уларга “садоқат” йўлида янги матнга ўзгаришсиз, айнан ўгириб қўя қолади. Масалан, достонда шундай жумлалар бор:

Барчин Суқсурой деган канизи билан қурт ёядиган сўрининг остида ўтириб эди [3] ↔ *Барчинай со служанкой своей Суксур в это время сидела под навесом, на котором разложен был тутовый лист с шелкопрядами* [4] ↔ *Barčin slúžkou Suksur sedela v tom čase pod prístreškom, na ktorom bolo morušové lístie* [5]. Ҳар учала гапни ўзаро қиёслаганингизда кимнинг хатоси кимга ўтганлигини осон фаҳмлай оласиз. Қусур шундаки, бу ерда туркий халқлар этномаданиятига хос *қурт* (қуртова) сўзини рус таржимони нотўғри тушунган ва уни *ипак қурти* деб англаган. У яна бир муҳим, мантиққа зид ғайрилисоний ҳолатга ҳам эътибор бермаган. Бойсарибойнинг Чилбир чўлида чорвачилик билан шуғулланадиган элати қурт боқмаган. Қолаверса, чўл ҳудудида ипакчиликнинг муҳим атрибути саналган тутзорлар бўлмаган. Учинчидан, одамлар, Барчиной ва унинг канизаги Суқсурой, қурт боқиладиган ва бадҳид сўритак остида ўти ришмайди. Биз кўриб турган жумлани словак тилига ўгирган таржимон ҳам медиумга зўр садоқат билан *тутовый лист*ни тўғри *morušové lístie, под навесом*ни *pod prístreškom* деб ўгира қолган. Агарда таржимонлар ўзбек этномаданиятига хос уй, хўжалик жиҳозлари, халқ турмуш тарзи ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлганларида кўриб турганимиз нуқсонларга йўл қўйилмас эди.

Воситали таржимада хатога йўл қўймаслик учун аслият тилидан ўгиришга ўтиш маъқул. Бу соҳада Абдулла Шер, Жамол Камол, Янглиш Эгамова, Садриддин Салимов, Пошали Усмон ўғли каби зуллисонайн мутаржимларнинг бевосита таржималари таҳсинларга лойиқ.

Яқинда ирланд ёзувчиси Жеймс Жойснинг “Ёш санъаткорнинг сийрати” романи ўзбек тилида чоп этилди. Уни истеъдодли таржимон Аҳмад Отабой М.П.Богословская-Боброванинг рус тилига таржимасидан ўгирган. Романни ўқиганингизда сизда аслиятни ўқигандек, асар бевосита, тўғридан-тўғри инглиз тилидан ўгирилгандай таассурот қолади, чунки таржимон Жойснинг ҳар бир сўзига, у яратган образларга эътибор берган, матн ортидаги яширин фикрларни пайқай олган.

Жаҳон модерн адабиётининг отаси саналган Жеймс Жойснинг романи шакл ва мазмун жиҳатидан ниҳоятда мураккаб асар бўлганлиги учун у С.Хоружий томонидан батафсил изоҳлаб берилган, ўзбек таржимони роман матни билан боғлиқ ўша изоҳлар ва тарихий маълумотларни ҳам синчковлик билан ўрганган. Унинг бу тадбирлари асарни тўла, мукаммал таржима қилинишига эришиш йўлидаги илк қадамир.

Аҳмад Отабоев бу асарда ўзини моҳир таржимон ва нозиктаъб услубшунос эканлигини намойиш эта олди. У услуб – бу индивидуаллик, бетакрорлик, В.Г.Белинский таъбирича – бу истеъдод, фикрнинг аниқ ва ифодалилиги эканлигини яхши англайди. Шахсият ва характер қанчалик бетакрор бўлса (хатто ўта ўхшаш эгизаклар ҳам ўзига хосликларга эга), услуб ҳам шундай ўзгача. Асардаги барча унсурлар, айниқса, унинг тили, сюжети, композицияси, шакли, фикрни ифодалаш, портрет, образ яратиш, табиатни тасвирлаш, қаҳрамоннинг нутқи, зиддиятларни мантиқан тўғри кўрсата олиш, муаллифнинг ғоявий нияти, унинг дунёқараши, тафаккур олами, ижодий маҳорати, матн устида узлуксиз ишлаши ва тинмай таҳрир қилиб бориши – барча шу хусусиятлар Ж.Жойсга хос. Бу хусусиятлар унинг таржимони Аҳмад Отабойга ҳам ижобий таъсир этган ва унинг қойилмақом таржимаси “Жаҳон адабиёти” журналининг 2007 йил №№ 3-4-сонларида эълон қилинди.

Биз ҳозирги таржима назарияси ва амалиёти-

даги энг мураккаб масалалардан саналган *болалар нутқининг таржимада акс эттирилиши* муаммосига эътибор қаратмоқчимиз. Муаммони тўғри ҳал этиш учун таржимон ўзини боладай ҳис этиши, у яшаётган оламга кира олиши, тасвирланаётган муҳитни борлигича сезиши лозим.

Роман бош қаҳрамони диний коллеж талабаси Стивен Дедалуснинг укаларига ота-оналарининг ғам-ташвишлари, оиланинг муқим бошпанаси йўқлиги, бунинг оқибатида доим ижарага уй қидириб юришлари унчалик аҳамиятсиздай кўринади. Таржимон, шундай бадиий воқеликни тасвирлаётган ёзувчи каби, болалар дунёсининг барча икир-чикирлари, уларнинг тафаккур тарзи, мижози: ҳушчақчақлигию ғамгинлиги, оғир-босиқлигию қизиққонлиги, жўшқинлиги, серғайратлиги, ўйинқароқлиги – барча руҳий ҳолатларини сезиб туриши лозим. Биз ўрганаётган вазиятда ота-оналарнинг сарсон-саргардонлиги, кундалик турмушдаги ғам-ташвишлари болаларни унчалик қизиқтирмаётгандай туюлади. Лекин болалар нутқидан рўшнолик соғинчи, йўқсиллик, чарчоқ аломатлари сезилиб туради.

Диний коллеж ўқувчиси Стивен ҳали ҳақиқий ҳаёт нималигини кўрмаган ва билмаган, аммо унинг аччиқ-чучукларини тотиб улгурган укаларининг жарангли, соф ва беғубор гапларидаги мунгли оҳангни сезади ва ўзининг қалбида ўртаниш ҳиссини туяди. Болалар акасининг ота-оналарининг қаердаликларини сўраганида, улар ўзларининг сирли, яъни социолингвистикада *тарабар тили* деб аталувчи лаҳжасида:

— *Goneboro toboro lookboro atboro aboro houseboro*.

Still another removal! A boy named Fallon in Belvedere had often asked him with a silly laugh why they moved so often. A frown of scorn darkened quickly his forehead as he heard again the silly laugh of the questioner.

He asked:

– Why are we on the move again if it's a fair question?

– *Becauseboro theboro landboro lordboro willboro putboro usboro outboro* [6.103], – деб жавоб беришади.

Рус таржимони М.П.Богословская-Боброва ҳам роман муаллифи ниятини пайқаб, гапларни мана шундай қилиб ўгирган:

– *Пошлико домко смокотретько*.

Опять переезд. Один ученик в Бельведере по фамилии Фаллон часто, глупо хихикая, спрашивал его, почему они так любят переезжать. Гневная морщинка пролегла на его нахмуренном лбу, когда он вспомнил это глупое хихиканье.

– Нельзя ли узнать, почему это мы опять переезжаем? – спросил он.

– *Потомуко, чтоко наско выставляетко хозяинко* [7.75].

Аслият ва таржима матнларида ажратиб кўрсатилган сирлиликни англатувчи *тарабар лаҳжаси* дунёнинг барча тилларида бор. Болалар ва ўсмирлар ўзаро мулоқот чоғида атрофдагилардан гап мазмунини яшириш мақсадида шу сунъий тилда сўзлашадилар. Бунда, кўпларга маълум, баъзи ҳарфлар, бўғинлар ва сўзлардан кейин хоҳлаган тартибда тузилган ва сўзлашувчилар томонидан ўзаро келишиб олинган бўғинлар қўйилади. Жеймс Жойс қаҳрамонлари *Gone, to, loo, at, a house* сўзларига ҳеч қандай маъно ифодаламайдиган *boro* ҳарфлар бирикмасини қўшиб, ўзларича *сирли тил*да гаплашадилар.

Муаллиф ҳам, таржимон ҳам махфий фикрни ифодаламоқчи бўлишса, ҳозир кўрганимиздек, маъносиз бўғинларни сўзлар охирида эмас, сўз ичида, хоҳлаган тартибда қўйиб ишлатиши мумкин. Масалан, *тара, бара, мара, кара, пара, зара* ёки уларнинг бирор қисмини унли товушлардан кейин ёки бўғинлар ўртасига қўйиб, *сирли* нутқ ҳосил қилиш мумкин. (Бундай ҳолат рус шеъриятида, масалан, В.Хлебниковнинг “Зангези” достонида ҳам учрайди: Мара-рома / Биба-буль!/ Укс, кукс, эль!/ Редэдиди дидиди!/ Пири-пэпи, па-папи!/Чоги гуна, гени-ган! / Аль, Эль, Иль! / Али, Эли, Или! / Эк, ак, ук! / Гамчь, гэмчь, ио!// [8].

Айтайлик, русча “пойдем гулять” демоқчи бўлса, уни “*тара*пой*бара*дем *тара*гу*бара*-лять”. Ёки ўзбекча “юр, айланиб келамиз”ни “ю*би*р а*ба*йла*ба*ниб*иб* ке*бе*ла*ба*ми*би*з”, ёки яна бошқачароқ “ю*зи*р *аз*айлзан*из*иб ке*зе*ла-*зи*миз” тарзида ифодалаш мумкин.

Ўзбек таржимонида шу ерда топқирлик етишмай қолади. У болалар сирли нутқини "Ула уййи кўйгани кеттила... – ...Хўжайин биззи уйидан ҳайдаяпти”[6] деб болаларга хос чучук тилда ва *тошкентча* маҳаллий лаҳжа (*ула*, *биззи*) билан бера қолган. Ваҳоланки, ўзбекона *тарабар тили*да ҳам мавжуд бўлган сирлилик аломатларини қўллаганда, бизнингча, таржима қиёмига етган бўларди. Масалан, у болалар нутқини “У*ба*ла*ба*р у*ба*йни*ба* кў*ба*рга*ба*ни*ба* ке*ба*тти*ба*ла*ба*р...” тарзида, ҳар бир унли товушдан кейин *ба* (*бо, бу, би, бе*) бўғинини тиркаб берса ҳам бўларди...

Лекин таржимон алоҳида бир ижодкор шахс. Унинг ўз йўли, ўз услуби бор. Тўғри йўл ва тўғри танланган услуб калити таржимонни маҳорат чўққисини эгаллашга чорлайди.

Адабиётлар:

1. Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы. – М.: Прогресс, 1979.
2. Попович А. Проблемы художественного перевода. – М.: Высшая школа, 1980.
3. Фозил Йўлдош ўғли. Алпомиш. – Т.: Ўздавнашр, 1957
4.Фазил Юлдаш. Алп. // Узбекские народные поэмы. – Т.: Изд-во АН УзССР, 1957. – С.48.
5. Alppamyŝ. – Bratislava: Mlade leta, 1972. – C. 21.
6. Жойс. Ж. Ёш санъаткорнинг сийрати. Роман. А.Отабоев таржимаси. // Жаҳон адабиёти.- 2007.- №№ 3-4.
7. Портрет художника в юности: текст с комментариями С.Хоружего. Джеймс Джойс Портрет художника в юности, 1-ое издание, New York, B.W. Huebsch, 1916. // http://www.cao-tv.ru/news_full.php?nid=1683
8.bookz.ru/authors/hlebnikov-velimir/velhlebnik04.html.

Андижон давлат университети,
2012 йил 4 майда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. К.Жўраев)